



**Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Муносабат**

## Ҳисобот учун эмас, натижা учун ишлайдиган вақт келди



**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,  
академик**

Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори илм-фан ривожида ҳам янги давр бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу соҳага доимий эътибори туфайли олимлар, илмий тадқиқотчиларнинг меҳнати муносиб қадр топмоқда.

Фанлар академияси, илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу даврда 24 та илмий ташкилот ва 4 та инновацион технопарк фаолияти йўлга қўйилгани, давлатимиз раҳбари академиклар, илм-фан нағояндлари билан бир неча бор учрашиб, соҳа олдида турган долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилгани ҳамда уларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб бергани, олимларнинг иш ҳақи уч баробар оширилгани, илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини янгилаш учун катта миқдорда маблағлар йўналтирилгани бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва миқёсини кўрсатиб турибди.

Куни кеча Президентимиз раислигига илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидағи устувор вазифаларни муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилаётганидан далолат беради.

Мажлисда яратилаётган зарур шароит ва имкониятларга қарамасдан, илм-фан соҳасидаги изланишларда амалий натижадорликни ошириш

бўйича ўзгаришлар кўзга ташланмаётгани ҳақли равишда танқид қилиб ўтилди. Мамлакатимиздаги юздан зиёд илмий ташкилот фаолиятида олиб борилаётган изланишларда ўзгаришлар сезилмаётгани, 24 та муассаса ўтган йили ҳалқаро миқёсда тан олинган журналларда биронта ҳам илмий мақола чоп эттиргани соҳада, айниқса, олимларимиз, илмий тадқиқотчиларимиз онгода янгиланиш жараёнлари жуда секин кечаетганини қўрсатади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Инновацион ривожланиши вазирлиги илмдан — ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғлаб турдиган яхлит тизим ва муҳитни ҳануз яратмагани соҳадаги ишлар натижадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Президентимиз томонидан олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларнинг самародорлик даражаси ўта пастлиги ҳам тўғри танқид қилинди.

Менинг кўп йиллик фаолиятим бевосита олий таълим тизими билан боғлиқ экани учун бундай камчиликни амалда доим ҳис қилиб келаман. Бундай қолоқликнинг сабаби шундаки, илмий тадқиқот жараёнлари ҳаёт талабларидан узоқ бўлиб қолмоқда. Амалга оширилаётган илмий ишларнинг миллий тараққиётимиз, хусусан, ишлаб чиқариш соҳалари учун янги ва долзарб экани, эртага қандай самара бериши ҳақида ўйлаш, жон куйдириш бу борада ҳали ҳам етакчи ўринга чиқмаяпти. Ҳолбуки, ҳаётга теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир соҳа ва тармоқда ўзининг илмий ечимини кутиб турган, инновацион ёндашувларни тақозо эта-диган муаммолар етарлича топилади.

Илм-фан ва инновациялар соҳасининг асосий вазифаси уларни вақтида ўзининг ўрганиш предмети, тадқиқот обьектига айлантириб, улар бўйича қулай ва самарали ечим берадиган илмий ишланмалар, аниқ лойиҳаларни таклиф этишдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун илм-фан ва инновациялар соҳаси, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган олимлар, илмий тадқиқотчилар ҳаётдан, ўзгаришлар жараёнидан камида бир қадам олдинда юриши керак. Лекин, афсуски, биз ҳали бундай фаолиятга тўлиқ тайёр эмаслигимиз кўпгина ҳолатларда яққол сезилиб қолмоқда.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, илмий институтларга буюртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишлар кўрсатилиб, уларнинг ҳар бирида қандай вазифаларни илмий ва инновацион ёндашув асосида ҳал қилиш зарурлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилди. Масалан, мажлисда алоҳида эътибор қаратилган қишлоқ ҳужалигида ҳосилдорликни ошириш масаласини олиб кўрайлик.

Маълумки, мамлакатимизда бу борада илгари катта илмий мактаб шаклланган эди. Пахта,

мева-сабзавот, узумнинг янги-янги навларини яратган олимлар, академикларнинг номларини ҳалқимиз яхши билади. Афсуски, кейинги 15-20 йилда эътиборсизлик, етарли шароит йўқлиги туфайли ана шу илмий мактабларнинг анъаналари секин-секин йўқолиб кетди. Эндиғи вазифа — ана шу мактабларни тиклаб, уларни бугунги давр талаблари асосида ривожлантириш ва янги анъаналар билан бойитишдан иборат. Айниқса, дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги энг муҳим ва долзарб масалага айланяётган ҳозирги вақтда бу фоят катта аҳамиятга эга.

Ёки мажлисда жиддий эътибор қаратилган яна бир масала — сув ҳўжалиги соҳасидаги муаммоларни илмий ечимлар орқали ҳал қилиш масаласини олайлик. Биз яшайдиган минтақада, умуман, дунё миқёсида сув масаласи тобора долзарб бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиши, ҳалқимизнинг обод ва фаровон ҳаёти кўп жиҳатдан ана шу йўналишларда инновацион ва оқилона ечимларни топиш билан боғлиқ.

Президентимиз, шунингдек, кимё саноати ва нефть-газ тармоқлари, ёқилғи-энергетика, қазилма бойликлар, фармацевтика саноати тараққиётидан замонавий илмий тадқиқотларни кучайтириш фоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. **“Бир нарсани билишимиз керак: илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қаҷон эриша олмаймиз. Ҳисобот учун эмас, натижা учун ишлаш керак”,** деб уқтириб ўтди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ушбу рақобатда муносиб иштирок этиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммоларни мувофқиятли ҳал қилиш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш учун, аввало, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги фаолиятимиз самарасини оширишимиз, барча соҳа ва тармоқлар учун инновацион ишланмана ва лойиҳаларни тайёрлаб, вақтида амалиётга жорий этишимиз зарур. Айниқса, илм-фан ва инновациялар соҳасида ўз билим ва истеъоди билан янги уфқлар очиш, кашфиётлар қилишга қодир ёш олимлар, ихтирочи ва рационализаторлар, инновацион ғоялар муаллифларини, уларни самарали амалга ошира оладиган муҳандис ва менежерларни вояга етказишимиз лозим.

Ҳозирги кунда биз Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида таълим жараёнларини, илмий изланиш ва тадқиқотларни айни шу талаблар асосида ташкил этмоқдамиз. Президентимизнинг мазкур йиғилишда олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни чукур ўрганиб ва улардан тегишли хуносалар чиқариб, бу борадаги фаолиятимизни, албатта, қайтадан кўриб чиқамиз ва уни янада самарали ташкил этамиз.